

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****134 Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сон Қонунига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 83-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларига махсус унвонлар — мартаба даражалари бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида» 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 32-модда) 4-банди ва унга 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.А. Муҳитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 29 март,
93-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари
ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларига махсус унвонлар — мартаба даражалари бериш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг махсус унвонлари қуйидаги мартаба даражаларидан иборат бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси;

1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси;

2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси;

3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси;

1-даражали адлия маслаҳатчиси;

2-даражали адлия маслаҳатчиси;

3-даражали адлия маслаҳатчиси;

1-даражали юрист;

2-даражали юрист;

3-даражали юрист.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларига мартаба даражалари ижобий аттестация, малакасига мувофиқ олий юридик маълумот ёки бошқа олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига, шунингдек, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонларни ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда берилади.

Ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган суд ижрочиларига 1-даражали юристгача ва 1-даражали юрист мартаба унвони берилишига йўл қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларига тегишли лавозимларга мувофиқ қуйидаги мартаба даражалари берилади:

Ўзбекистон Республикаси — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига
Ҳақиқий давлат адлия
маслаҳатчиси

1-даражали давлат адлия — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи
маслаҳатчиси ўринбосарига

2-даражали давлат адлия — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг
маслаҳатчиси ўринбосарларига

- 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси — Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати аъзолари бўлган бошқарма бошлиқларига; Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларига; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб аталади) директорининг ўринбосарларига; Тошкент давлат юридик институти ректорига.
- 1-даражали адлия маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари бошлиқларига; Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарларига; Суд департаментининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари, Ички хавфсизлик инспекцияси бошлиқларига; Суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқларига; Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази бошлиғига; Республика юристлар малакасини ошириш маркази директорига; Тошкент давлат юридик институти проректорларига.
- 2-даражали адлия маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Суд департаменти бошқарма бошлиқларининг ўринбосарларига, бошқармалар бўлимлари бошлиқларига; Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига; Суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига; Тошкент юридик коллежи директорига; Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицей директорига; Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази бошлиғининг ўринбосарига; Республика юристлар малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосарларига.
- 3-даражали адлия маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бош консультантларига; Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бўлим бошлиқларига;

- Суд департаментининг бош инспекторларига;
 катта суд ижрочиларига;
 давлат нотариал идораларининг катта нотариусларига;
 ФХДЁ органлари мудирларига;
 Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосарига;
 Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицей директорининг ўринбосарига;
- 1-даражали юрист — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг етакчи консультантларига;
 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг бош консультантларига;
 Суд департаментининг етакчи инспекторларига;
 Суд департаменти ҳудудий бошқармаларининг бош инспекторларига;
 суд ижрочиларига (мартаба даражасида бўлиш муддатига қараб);
 давлат нотариал идораларининг катта нотариуслари ўринбосарларига;
 нотариал архивлар мудирларига;
 ФХДЁ органлари мудирларининг ўринбосарларига;
 ФХДЁ органлари архивлари мудирларига.
- 2-даражали юрист — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг катта консультантларига;
 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг етакчи консультантларига;
 Суд департаментининг катта инспекторларига;
 Суд департаменти ҳудудий бошқармаларининг етакчи инспекторларига;
 суд ижрочиларига (мартаба даражасида бўлиш муддатига қараб);
 давлат нотариал идораларининг нотариусларига;
 ФХДЁ органларининг 1-тоифали инспекторларига.
- 3-даражали юрист — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг катта консультантлари ва консультантларига;
 Суд департаменти ҳудудий бошқармаларининг катта инспекторларига;
 суд ижрочиларига;
 нотариуслар ёрдамчиларига;
 ФХДЁ органларининг 2-тоифали инспекторларига.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 3, 2 ва 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиларининг мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

3, 2 ва 1-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек, 3, 2 ва 1-даражали юрист мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилмаган лавозимларини 1-даражали адлия маслаҳатчиси ва унгача бўлган мартаба унвонларини бериш мақсадида мавжуд лавозимларга тенглаштиришга ҳақлидир.

6. Ҳар бир мартаба даражасида бўлиш муддати:

3, 2, 1-даражали юристлар учун — 2,5 йилни;

3, 2, 1-даражали адлия маслаҳатчилари учун — 4 йилни ташкил этади.

3, 2, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси мартабасида бўлиш муддати белгиланмайди.

7. Мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари идоралари ҳамда давлат нотариати ходимларига 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси ва 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси мартабасини эгаллаб турган лавозимга қарамасдан изчилликка ва мартабада бўлиш муддатига риоя қилмаган ҳолда мартаба даражаси беришга йўл қўйилади.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири:

а) ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилганлиги ёки хизмат бурчини намунали ижро этганлиги учун олдинги мартаба даражасида хизмат қилишнинг белгиланган муддати тамом бўлгунга қадар мартаба даражаси беришга;

б) изчилликка риоя қилмаган ҳолда, лекин ходим юқори лавозимга кўтарилаётганда эга бўлган мартабадан икки даража юқори бўлмаган мартаба даражаси беришга;

в) биринчи марта аттестациядан ўтаётган ходимларга улар эгаллаб турган лавозим бўйича назарда тутилганидан бир даража паст мартаба даражалари беришга ҳақлидир.

9. Тегишли малака бўйича иш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга мартаба даражаси лавозимга тайинлангандан кейин камида 6 ой ўтгач берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг бир мартаба даражаси белгиланган муддатда хизмат қилган, лекин хизмат фаолиятида ёки хулқ-атворида жиддий камчиликларга эга бўлган ходимларига навбатдаги мартаба даражаси берилмайди.

11. Мартаба даражалари берилган ходимлар уларда умрларининг охиригача бўладилар ҳамда фақат Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларида ишлаш билан мувофиқ келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун ишдан бўшатиш тақдирда улардан маҳрум қилиниши мумкин.

12. Хизмат бурчини кўпол равишда бузганлиги, бадном қилувчи ножўя иш қилганлиги ёки хизмат вазифаларини мунтазам равишда етарлича бажармаганлиги учун ходимларнинг мартабаси пасайтирилиши мумкин, лекин улар эга бўлган мартаба даражасидан икки даража паст бўлиши мумкин эмас.

13. Мартаба даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш мартаба

даражаси бериш ҳуқуқига эга бўлган тегишли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати томонидан белгиланади.

15. Адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларининг лавозим маошларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда қўшимча ҳақ тўланади.

Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг лавозим маошларига қўшимча ҳақ Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек уларнинг фаолиятини молиялаштириш учун назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

16. Мартаба даражасига эга бўлган Суд департаменти ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда белгиланган фарқлаш белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб юрадилар.

Мартаба даражасига эга бўлган Суд департаменти ходимларининг формали кийим-боши ва фарқлаш белгилари намуналари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланади.